



140704, Ishtixon shahri, Ishtixon ko'chasi-4-uy
Tel.: (0-366) 629-15-10, faks (0-366) 629-11-54

140704, г. Иштыхан ул. Иштыханская д.4,
Тел: (0-366) 629-15-10, факс (0-366) 629-11-54

20/18-г «12» ноябрь

№ 751-13

Ishtixon sh.-г. Иштыхан

“Гулобод” маҳалла фуқаролар йиғинига
“Кулжамон” худудида жойлашган
қадимги “Соғарж” шаҳри ва қабр тошлари
атрофини ободонлаштириш ва зиёратгоҳ
ташқил этиш учун 1,03 гектар ер майдони
ажратилган тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 январ ф-5181-сонли фармойиши ва Самарқанд вилояти хокимининг 2018 йил 26 январдаги 58-қ-сонли қарорини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 февралдаги “Моддий маданий ва археология мерос объектларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ва “Гулобод” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Т.Тўракулов ва бошқа фуқароларнинг туман хокими номига ёзган аризасини ҳамда туман хокимлиги хузуридаги Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш буйича комиссиясининг далолатномаси кўриб чиқиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман хокимлиги хузуридаги Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш буйича комиссиясининг далолатномаси тасдиқлансин. Самарқанд вилоят маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат инспекциясининг 2002 йил 30 июлдаги 4-сон буйруғи билан ташқил этилган Эксперт кенгаши аъзоларининг 2013 йил 11 январ 01-сонли Далолатномаси маълумот учун қабул қилинсин.

2. “Гулобод” маҳалла фуқаролар йиғинига Ш.Одилов муқобил МТП “Кулжамон” қишлоғи худудидаги туман хокимлиги захира ер майдонлари ҳисобида бўлган қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигида фойдаланилмайдиغان 590-рақамли контуридаги 1,03 гектар ер майдонда жойлашган қадимги “Соғарж” шаҳри ва қабр тошлари атрофини ободонлаштириш ва зиёратгоҳ ташқил этиш учун ажратилсин.


3. “Гулобод” маҳалла фуқаролар йиғинига белгиланган тартибда лойиҳа олди ва лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаб, тегишли ташкилотлардан руҳсат олингандан сўнг, қурилиш ва ободонлаштириш ишларини бошлашга руҳсат берилсин.

5. Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи (М.Примов) ва туман бош архитектори (И.Азимов)ларга ажратилган ер майдонини жойида ўлчаб бериш вазифаси топширилсин.

6. Қурилиш ишларини лойиҳа асосида бажарилишини назорат қилиш туман бош архитектори (И.Азимов)га топширилсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман хокимининг ўринбосари (У.Исломов) зиммасига юклатилсин.

Туман хокими:

 Ш.Негматов